

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Х.Б. Тухтахўжаев¹

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим жараёнида талабаларни жисмоний маданиятини индивидуаллаштиришнинг илмий педагогик тамойиллар моҳияти ўрганилган. Индивидуаллаштириш талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотида асосий таъсир этувчи моҳият ҳисобланади, уни тўғри ташкил этиш учун соғлиқни сақлайдиган жисмоний машқлардан иборат.

Калим сўзлар: таълим, индивидуал ёндашув, индивидуаллаштириш, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, педагогика, педагог, соғлиқ, кўникма ва малака, талаба.

Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикасида педагогика фани тараккиётида янги босқич бошланди. Хусусан, педагогик тадқиқотларниш кўлами кенгайтирилди, миллий педагогик маданият чуқур ўрганилиб, шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги жаҳон тажрибалари, ютуқларидан миллий хусусиятларга таянган ҳолла фойдаланиш борасидаги изланишлар юзага келди. Шу боис таълим тизимини босқичма - босқич замон талаблари даражасида ва эришилган тажрибалар асосида ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни жамият ҳаётида иштирок этадиган ҳар томонлама соғлом, етук ва юксак маънавиятли комил инсонлар зтиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йуналишларидан ҳисобланади [3,8]. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таълим соҳасидаги ислохотларнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритар экан: “Келажак бугундан бошланади, ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой "берилади деган фикрлари бежиз эмас. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр - оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг замирида

¹ Тухтахўжаев Х.Б. – Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти катта илмий ходим-изланувчиси

тарбия ётади” [1, 5-6] жамиятнинг янгиланиши, ҳаёт тараққиёти ва истиқболи, барча соҳадаги ислохотлар самарадорлиги юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга боғлиқ эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Амалдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз”(14.12.2016.йил) нутқида, бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – “Ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш”га алоҳида эътибор қаратди. Жумладан Президентимиз “Ёшларимизнинг мустақил фикирлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиш, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор кучи ва имкониятларини сафарбар этиш”ни таъкидлаб ўтди [2].

Ислохотлар даврида Республикамызда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишнинг барча қирра ва босқичларини қамраб олувчи узвийлик ва узлуксизликка асосланган яхлит таълим комплекси таркиб топди. Янги турдаги таълим муассасалари - академик лицей ва касб - ҳунар коллежларини яратиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар давом отмоқда, умумтаълим мактаблар, академик лицей коллежлар ҳамда олий таълим муассасалари қурилиши ва реконструкцияси махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида амалга оширилиб, бугунги кун таълим муассасаларимизнинг янги кифоаси яратилмоқда, таълим муассасалари замонавий спорт саройлари, ўқув ва спорт жиҳозлари, техникалар ва компьютерлар билан таъминланмоқда [4].

Хозирги даврда узлуксиз таълим жараёнини янада янги метод ва усуллар билан бойитиш бугунги куниинт долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода узлуксиз таълим жараёнида педагоглар дарс давомида

таълим олувчилар билан алоҳида индивидуал тарзда ишлаш, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда алоҳида аҳамията эга бўлиб келмоқда. Яъни, талабалар билан ишлашда дарс жараёнини индивидуаллаштириш назарда тутилмоқда.

Таълимни индивидуаллаштириш нима учун муҳим? Индивидуаллаштириш билимларни эгаллаш жараёни асосида болада ёшига хос хусусиятлар, қобилият, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келали [5].

Маълумки, жисмоний сифатларнинг ривожланиш самарадорлиги спортчининг биологик етуқлигига тўғридан-тўғри боғлиқлиги ҳақида Р.М.Маткаримов ўз изланишларида ифода этган (1999 й). Одатда ҳаракат сифатларининг ривожланиши энергетик тизимлар динамикаси хусусиятлари билан боғлиқ. Шу маънода индивидуаллаштириш тамойилини олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ҳам муҳим асосларидан бири сифатида кўриш мумкин, чунончи уни тўғри шакллантириш натижасида жисмоний маданият дарсларида талабаларни соғломлаштириш жараёни самарали тарзда амалга оширилади. Мазкур тамойилда шу нарса назарда тутиладики, ҳар бир талабага индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб, уни имкониятлари, ёши инобатга олиниб, ўқув жараёнида, ўқув материаллари талабага жисмоний зўриқишни олдини олган ҳолда ёндашишни талаб этади.

Жисмоний тарбия соҳасида бу тамойилга амал қилиш жуда муҳим ҳисобланади, сабаби ҳар бир машқ талабанинг тана аъзоларига маълум даражада жисмоний юк келишини тақозо этади. Мазкур жисмоний юкламани дарсда иштирок этаётган талабанинг жисмоний хусусиятидан ортиқ даражада берилиши, унинг танасини жисмоний зўриқишига олиб келади, бу эса ўз навбатида талабанинг соғлигига салбий таъсир этади. Машғулотда индивидуаллаштириш тамойилидан оқилона фойдаланиш юқоридаги ҳолатни келиб чиқишини олдини олади, талабаларда жисмоний кўникма ва хусусиятларни шаклланиши ва танани соғломлаштириш жараёнини тўғри боришини таъминлайди, чунки ҳар бир талаба билан яқка тартибда ишлаш,

унинг жисмоний сифатларини билиб олиш имкониятини яратади, ҳамда машғулотда иштирок этаётган талабага, уни меъёри даражасида машқни бажартиришга ҳаракат қилади ва мазкур машқга кўникма ҳосил бўлгунга қадар шу ҳолда ишлашни кўрсатма қилиб берилади. Дарс жараёнидаги билимни шакллантирувчи қисмлар (кўргазмали қуроллар, тушунтириш жараёни, ўқув материаллари, жисмоний машқлар, билим. кўникма, малака, яъни ўқув дастурига кўшилганлар) талабанинг имкониятидан ортиқча фойдаланилмайди. Ўқув жараёнидаги меъёр даражасидан ортиқча ҳар бир юклатилган вазифа ўқишга нисбатан салбий жиҳатларни келтиради ва талабалар соғлигини ёмонлашувига олиб боровчи сифатларни шакллантиради.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ҳаддан зиёд берилган ақлий ёки жисмоний юклама, танани толиқишини ва организмни зўриқишини келтириб чиқаради. Шу сабабдан таълим бериш жараёнида ўқув материалларидаги жисмоний машқлар талаба ёки ўқувчилар ёшидан келиб чиқиб шакллантиришни, индивидуал хусусиятларни ва тайёргарлик даражасини инобатга олишни тақозо этади. Ҳар бир инсон индивидуал хусусиятларга эга ва жисмоний ва руҳий ривожланишида ҳам индивидуал фарқланиш мавжуд. Мазкур сифатларни инобатга олиш талаба ва ўқувчиларда, уларни ўқув фаолиятига тўғри жалб этиш имкониятини беради.

Индивидуал хусусиятларга, яъни таълим жараёнида кўникмани шакллантирувчи сифатларга қуйидагилар киради: 1) идрок этиш хусусияти; 2) диққат; 3) хотира; 4) тафаккур; 5) миқдорнинг ўзига ҳослиги; 6) феъл - аъмор; 7) мойиллик; 8) қизиқиш ва 10) жисмоний ва маънавий сифатларнинг шаклланиш даражаси.

Машғулот жараёнида индивидуал хусусиятларни ўрганиш учун энг қулай вақт, бу ўқув машғулот жараёни, мусобақалар ва талабанинг фаолиятидаги муҳим бўлган вазиятлар ҳисобланади. Моҳир педагог учун ҳар бир талабанинг умумий ривожланиш даражасининг савиясини, унинг ҳаракатланиш ва фанга бўлган муносабатини билиш лозимдир.

Талабаларни индивидуал хусусиятларини билиш педагог учун дарс давомида катта имкониятлар яратади. Мисол тариқасида куйидагини келтириш мумкин, яъни билими ва жисмоний сифатлари юқорироқ талабага мураккаброқ вазифа, билими ва жисмоний сифатлари пастроқ талабага осонроқ вазифа бериб, талабалардаги сифатларни тенглаштириш учун осондан мураккабга қараб вазифа берилади, шу тариқа талабада кўникма ва малака шаклланади. Демак, индивидуал хусусиятларни билиш, педагог учун ўқув жараёнини талабанинг сифатлари ва тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб индивидуаллаштириш имконини беради. Юқорида келтирганимиздек жисмоний тарбия ва спорт машғулоти жараёнларида берилган машқлар хаддан зиёд оғир бўлмаслиги лозим, лекин берилган машқлар енгил ҳам бўлмаслиги даркор, сабаби бир хил машқни мунтазам бажарилиши талабада унта нисбатан кўникмани ҳосил қилган бўлади ва унинг учун мазкур машқ енгил туйилади. Шунини таъкидлаш жоизки анъанавий педагогикада таълим бериш давомида ўқув материалларини ўзлаштиришда осондан мураккабга томон, маълумдан номаълумга қараб изланиш, мавҳумдан аниқга қараб бориш тавсия қилинади. Бирок, рус дидактик олими В.В. Давыдовнинг шунга ўхшаш ёндашувини ҳам кетирсак у айтадики: таълим беришни оддийдан эмас, умумийдан бошласак, яқиндагини эмас, асосийсини кўрсак, қисмларни эмас, тизимни, бўлақларни эмас бутунни ўргансак дейди. Мазкур келтирган ёндашувни таҳлил қилсак, умумийликни англаш учун бизнинг наздимизда оддийни англамасдан туриб умумийни таҳлил қилиш мураккаб, зеро билим асосида билим шаклланади, ески билимни инкор қилиб бўлмайди, яъни бунга диалектик тафаккурни мисол қилиш мумкин. Яна қисмларни англамасдан тизимни ўрганиш мураккаб ҳисобланади, бутунни ангашиш учун, уни бўлақларга бўлиб мукаммал ўрганиш афзалроқдир. Шундан келиб чиқиб талабаларни таълим жараёнидаги мураккабликларга дучор бўлиши олдини олиш учун уларга кўлланиладиган методик ёндашувлар ва усулларни тўғри танлай билиш лозим эканлигини англаш мумкин. Шу сабабдан ҳам индивидуал ёндашув бизнинг назаримизда бу жараёнда тўғри танлов бўлади деб уйлаймиз. Сабаби индивидуаллаштириш

- бу воситалар тизими, унда шаклланиб бораётган инсонда ўзига хос хусусиятини англаш имконини беради, яъни кучли ёки кучсиз жиҳатларини, сифатларини ўз вақтида билиб, ушбу камчиликларни бартараф қилишга интилади ва жумладан маънавий шаклланишга ҳам ҳаракат қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётимиз пойдевори”. - Т.: Шарк. 1997.-64 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент.ш. 14.декабрь 2016.
3. Муслимов Н., Абдуллаева Қ. Мирсолиева М. Педагогик технологиялар фанидан ўқув методик мажмуа. - Т.: Фан технологиялари, 2011. - 199 б.
4. 2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури. – Т.: 2012. - 46 б.
5. Воробьев А.Н., Чернов К.Л. Принципы управления подготовкой спортсменов: Учеб. пособие. - Малаховка. 1987. -67 с.

РЕЗЮМЕ

Данная статья анализирует научно-педагогические основы принципа индивидуализации в физической культуре студентов в процессе образования, так как индивидуализация является основополагающим в физическом воспитании и спортивной тренировке студентов, поскольку от правильной её реализации зависит оздоровительный эффект физкультурных занятий.

Ключевые слова: образование, индивидуальный подход, индивидуализация, физическая культура, физическое воспитание, педагогика, педагог, здоровье, умения навыки, студент.

RESUME

The given article analyses scientifically pedagogical bases realization of principle to individualization in physical culture students in process of education. As individualization is background in physical education and athletics correct its realization depends sanitary effect in the physical occupation of pupil and students.

Key words: education, individual approach, individualization, physical culture, physical education, pedagogy, teacher, of health, skill and skills, student.